

**COOPERATION AGREEMENT**  
**between the Government of the Republic of Uzbekistan**  
**and the International Organization for Migration**

The Government of the Republic of Uzbekistan (the Government), on the one hand, and the International Organization for Migration (the Organization) on the other hand, hereinafter together referred to as “the Parties”,

NOTING that the Republic of Uzbekistan is a Member State of the Organization,

DESIROUS of further strengthening and developing the friendly relations and cooperation between the Government and the Organization,

NOTING that the IOM Council adopted on 26 November 2013 Resolution No. 1266 (CIII) that “Calls on Member States, Observer States and other States where the Organization has activities to grant the Organization privileges and immunities substantively similar to those that the United Nations specialized agencies are entitled to in accordance with the Convention on the Privileges and Immunities of the Specialized Agencies (1947)”,

NOTING that the Organization is a member organization of the United Nations system,

CONSIDERING that the purpose and functions of the Organization and the activities carried out by the Organization warrant the granting by the Government to the Organization of the same privileges and immunities as those that the specialized agencies of the United Nations are entitled to in accordance with the provisions of the Convention on the Privileges and Immunities of the Specialized Agencies of 21 November 1947 (the Convention),

HAVE AGREED as follows:

**Article 1**

In accordance with the relevant decisions of its Governing Bodies and subject to the approval of the Government and to the availability of funds, the Organization shall implement in the Republic of Uzbekistan migration programmes such as capacity building, advisory services and technical cooperation on migration issues, migration and health, international migration law, migration and environment, migration information, counter-trafficking, migration of nationals and aliens, assistance

to displaced persons and other persons in need, return of qualified human resources and other assisted return activities.

The Government authorizes the Organization to open an office in the Republic of Uzbekistan.

In order to implement its activities, the Organization may open further offices in the Republic of Uzbekistan as needed, prior consultation with the Government.

## **Article 2**

If required, details of the cooperation modalities between the Parties concerning the implementation of presently envisaged or future projects and programmes will be agreed upon in separate arrangements between the Parties. These arrangements will be considered as being part of this Agreement if designated as such.

The costs associated with the establishment and maintenance of the Office in Uzbekistan are fully funded by the Organization.

## **Article 3**

The Government hereby grants to the Organization the same privileges and immunities as those that specialized agencies of the United Nations are entitled to in accordance with Sections 3 to 30 of the Convention and provisions 2 and 3 of Annex I to the Convention. Applicable definitions contained in the Convention apply *mutatis mutandis* to this Agreement. The above-mentioned sections of the Convention and provisions of its Annex I shall be applied with modifications as necessary in order to take into account IOM's specificities.

## **Article 4**

Any disputes arising from the interpretation or application of the provisions of this Agreement shall be resolved amicably by the Parties through negotiations and consultations.

## Article 5

This Agreement may be amended by mutual consent of the Parties through separate protocols that shall be an integral part of the Agreement and shall enter into force in the manner provided for in Article 6 of this Agreement.

## Article 6


This Agreement shall enter into force on the date on which it is signed by the last Party.

This Agreement is concluded for an indefinite period and shall be valid until six months after the receipt by one of the Parties of written notification from the other Party of its intention to terminate this Agreement.

IN FAITH WHEREOF the undersigned representatives, duly authorized for that purpose, have signed this Agreement.


Done at Tashkent on 10.08, 2020, and at Geneva on 05.11, 2020, in two copies, each in the Uzbek and English languages, both texts being equally binding. In case of discrepancy between the texts, the English text shall prevail.

**For  
the Government  
of the Republic of Uzbekistan**



**Abdulaziz Kamilov  
Minister of Foreign Affairs**

**For  
the International Organization  
for Migration**



**António Vitorino  
Director General**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан**  
**Халқаро миграция ташкилоти**  
**ўртасида ҳамкорлик**  
**БИТИМИ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Ҳукумат» деб юритилади) бир томондан, ҳамда Халқаро миграция ташкилоти (кейинги ўринларда «Ташкилот» деб юритилади) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда «Томонлар» деб юритилади),

Ўзбекистон Республикасининг Ташкилотга аъзо давлат эканлигини эътироф этган ҳолда,

Ҳукумат ва Ташкилот ўртасида дўстона муносабатларни ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни истаган ҳолда,

2013 йил 26 ноябрда Ташкилот Кенгаши «Ташкилот фаолият олиб борадиган аъзо, кузатувчи ва бошқа мақомдаги барча давлатларни Ихтисослаштирилган муассасалар имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга (1947 йил) мувофиқ равишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтисослаштирилган муассасалари фойдаланадиган имтиёзлар ва иммунитетларни Ташкилотга тақдим этишга чақирувчи» 1266-сонли (СIII) Резолюцияни қабул қилганлигини эътироф этган ҳолда,

Ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига кирувчи муассаса эканлигини эътироф этган ҳолда,

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда Ташкилот томонидан олиб борилаётган фаолиятдан келиб чиқиб Ихтисослаштирилган муассасалар имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида 1947 йил 21 ноябрда қабул қилинган Конвенцияга (кейинги ўринларда «Конвенция» деб юритилади) мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтисослаштирилган муассасаларига бериладиган имтиёзлар ва иммунитетларни Ҳукумат томонидан Ташкилотга берилиши кафолатланишини инобатга олган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келивушга эришдилар:

**1-модда**

Ташкилот ўзининг бошқарувчи органларининг тегишли қарорлари ва Ҳукуматнинг рұхсати ҳамда мавжуд молиявий

имкониятлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида салоҳиятни ошириш, миграция масалалари буйича маслаҳат хизмати ва техник ҳамкорлик, миграция ва соғлиқни сақлаш, халқаро миграция ҳуқуқи, миграция ва атроф-муҳит, миграция ахбороти, одам савдосига қарши кураш, маҳаллий ва хорижий фуқаролар миграцияси, кўчирилган ва бошқа ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш, малакали инсон ресурсларини қайтариш ва қайтариш билан боғлиқ бўлган дастурларни амалга оширади.

Ҳукумат Ташкилотга Ўзбекистон Республикасида ваколатхона очишга рухсат беради.

Зарур бўлган тақдирда Ташкилот ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ҳукумат билан маслаҳатлашувлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа ваколатхоналар очиши мумкин.

## 2-модда

Зарур ҳолларда амалга оширилиши режалаштирилаётган ва келажакда амалга ошириладиган лойиҳа ва дастурларни амалга тадбиқ этиш юзасидан Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик тафсилотлари Томонлар ўртасида алоҳида келишувлар расмийлаштириш орқали келишилади. Ушбу келишувлар, агар шундай белгиланган бўлса, мазкур Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда Ваколатхонани очиш ва сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ Ташкилот маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

## 3-модда

Конвенциянинг 3 дан 30 бандигача ва ушбу Конвенциянинг I иловаси 2 ва 3 бандларига мувофиқ, Ҳукумат Ташкилотга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ихтисослаштирилган муассасаларига бериладиган имтиёзлар ва иммунитетларни тақдим этади. Конвенцияда қўлланилган таърифлар тегишли ўзгартиришлар билан ушбу Битимга қўлланилади. Юқорида келтириб ўтилган Конвенция бандлари ва унинг I иловасидаги қоидалар Халқаро миграция ташкилотининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш мақсадида тегишли ўзгартиришлар билан қўлланилади.

#### 4-модда

Мазкур Битимнинг қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай низолар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали тинч йўл билан ҳал этилади.

#### 5-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро розилиги билан ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва алоҳида баённомалар расмийлаштириш орқали Битимнинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган тартибда кучга кирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

#### 6-модда

Мазкур Битим охириги Томон имзолаган санадан эътиборан кучга киради.

Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва бир Томон бошқа Томоннинг ушбу Битимни тугатиш нияти тўғрисидаги ёзма хабарномасини олганидан сўнг 6 ой ўтгунга қадар амалда бўлади.

Куйида, мазкур Битимни тегишли тартибда имзолаш ваколати берилган вакиллар томонидан имзоланди.

Тошкент шаҳрида 2020 йил 10 август да ва Женева шаҳрида 2020 йил 05. 11 да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил юридик кучга эга. Матнлар ўртасида тафовут юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукумати номидан



Абдулазиз Комилов  
Ташқи ишлар вазири

Халқаро миграция ташкилоти  
номидан



Антонио Виторино  
Бош директор